

Ассалому алайкум, Шайх хазратлари, Куръони Каримнинг Оли Имрон сурасидаги ушбу оятни қандай тушунсак бўлади? «У сенга Китобни нозил қилган Зотдир. Унда муҳкам оятлар бор – улар Китобнинг аслидир – ва бошқалари муташобихлар. Аммо қалбларида оғиш бор қимсалар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига осилиб оладир. Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч қим билмас. Илмда мустаҳкам бўлганлар эса: «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридан дир», дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эслатма олулар».

Бундан «Муташобих оятларнинг шу пайтгача таъвил қилинганлари ичида умуман тўғриси йўқ ва бундан кейин ҳам бўлмайди», деб тушуниш керакми ёки «Тўғриси бор, ҳақиқатда тўғри ёки йўқлигини фақат Аллоҳдан ўзга ҳеч қим билмайди», дебми? Умуман, «Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч қим билмас» деган жумлада иккиланганим учун ушбу саволни беряпман.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Бу саволнинг жавоби «Тафсири Хилол»да шундай келган:

Аллоҳ айтади:

«У сенга Китобни нозил қилган Зотдир. Унда муҳкам оятлар бор – улар Китобнинг аслидир – ва бошқалари муташобихлар. Аммо қалбларида оғиш бор қимсалар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига осилиб оладир. Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч қим билмас. Илмда мустаҳкам бўлганлар эса: «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридан дир», дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эслатма олулар» (Оли Имрон сураси, 7-оят).

Ушбу ояти қаримада Куръони Каримнинг оятлари иккига – муҳкам ва муташобихга бўлиниши ҳақида сўз кетмоқда. «Муҳкам» сўзи «махкам», «очик-ойдин», «бошқа ёққа буриб бўлмайдиган» деган маъноларни англатади.

«Муташобих» сўзи эса «ўхшаш», «бирини биридан ажратиш қийин», «бир неча маъноларни англатадиган» деган маъноларни билдиради. Куръони Карим оятлари ҳам муҳкам ва муташобихга бўлинади. Бунинг ўзи алоҳида бир илм бўлиб, Куръон илмлари фани бўйича мутахассис уламолар уларни махсус ўрганадилар. Биз ўрганаётган ояти қарима ҳудди мана шу мавзуда сўз юритмоқда. Бу ояти қариманинг аввалида юқорида зикр қилинган сифатларга эга бўлган Аллоҳ:

«У сенга Китобни нозил қилган Зотдир», деб Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилмоқда. Китобдан мурод Куръони Каримдир.

«Унда муҳкам оятлар бор – улар Китобнинг аслидир – ва бошқалари муташобихлар».

Куръони Каримда келган муҳкам – ойдин оятларнинг маънолари равшан, тушунилиши ҳам осон. «Улар китобнинг аслидир», яъни ўша муҳкам оятлар Куръоннинг аслини ташкил қиладилар. Шу билан бирга, Аллоҳ ирода қилган хикматга биноан, Куръонда муташобих – бир-бирига ўхшаш маъноларни билдирадиган, турлича маънога буриш мумкин бўлган оятлар ҳам бор. Лекин булар жуда ҳам оз бўлиб, қишиларнинг иймонини синашга хизмат қиладилар.

«Аммо қалбларида оғиш бор қимсалар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига осилиб оладир».

Демак, муташобих оятлар аслида эътиқоди бузук қишиларни фош қилишда иш берар экан. Қалбида марази бор, ҳидоятдан огган бундай қишилар таъвил қилиб, фитна кўзиш

максадида акийда ва шариатнинг нозик усулларини очик-ойдин баён килиб берган мухкам оятларни бир четга суриб кўйиб, гойибдан эшитиш оркали собит бўладиган хабарларга, турли маъноларга далолат киладиган муташобих оятларга махкам осилиб олар эканлар. «Таъвил» сўзи бирор сўз ёки тушунчани сиртки маъносидан бошка маънога кўчириш, деган маънони англатади. Калбларида хидоятдан огиш бор бўлган мазкур кишилар муташобих оятларни ўзларига курул килиб олиб, фитна кўзиш учун ўз хавойи нафсларига мувофик таъвил килдилар. Ва холбуки, муташобих оятларнинг таъвилини хамма хам билавермайди.

«Унинг таъвилини Аллохдан бошка ҳеч ким билмас».

Муташобих оятларнинг хакикий таъвилини факат Аллох таолонинг Ўзигина билади. Шунинг учун мўмин-мусулмон кишилар муташобих оятларнинг таъвили билан машгул бўлмасдан, уни Аллох таолонинг Ўзига хавола этишлари керак.

«Илмда мустахкам бўлганлар эса: «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз хузуридан дир», дерлар».

«Илмда мустахкам бўлганлар» бандалар ичида илмнинг олий даражасига етган уламолардир.

Улар илмда собит бўлганлари учун кўп нарсадан бохабар бўладилар ва шу боисдан хам: «Муташобихга иймон келтирдик, барчаси (яъни оятларнинг барчаси) – мухками хам, муташобихи хам Роббимиз хузуридан дир», дейдилар.

Дархакикат, зўр олимлар ўзларининг илмий чегараларини аник тушуниб етадилар, Аллохнинг илми чегарасиз эканини яхши биладилар. Хамда ўрни келганда ҳеч иккиланмай, ўзларининг ожиз жойларини эътироф килдилар. Аммо хакикий илмдан бебахра, чаласавод кишилар эса ўзлари билган озгина нарсани дунёдаги бор илм шу, деб тушунадилар ва ундан бошка хамма нарсани инкор этиб, ўзини хам, ўзгаларни хам овора килдилар. Ушбу хакикатлардан

«Ва факат акл эгаларигина эслатма олурлар».

Бундай нарсалардан акл эгаларигина ваъз-насихат ва ибрат оладилар. Валлоху аълам.